

Захириддин Бобур Навоий хакида сўз юритганда жуда кўп сифатлари каторида битгасига — тарбия ва мадад берувчилигига алохида диққатни қаратган эди: «Ахли фазл ва хунарга Алишербекча мураббий ва мукаввий маълум эмаским, харгиз пайдо бўлмиш бўлгай».

Бобурнинг ўзи шу ердаёқ буни тасдиқ этувчи қатор мисоллар келтиради. Дархакикат, миллатнинг раванк-камолини, шаъни-шарафини таъмин этувчи истеъдодларни тарбиялаш, уларга хомийлик қилиш чиндан улуг ишдир. Бирок барча буюк санъаткорлар сингари Навоий ҳам бу билан чекланмади. Элнинг, жамиятнинг мураббийси да-ражасига кўтарилди. Асарлари билан бутун-бутун авлод-ларни инсонларча яшашга ўргатди. Инсоният фарзанди бўлиб тарихга кирди. Юзаки караганда, шоир асарлари замонасидан узокдек, унда XV асрнинг акс садолари йўқдек. Лекин синчиклаб разм солсангиз, даврнинг бутун тўфонлари каткатига сингиб кетган. Маъни-мақсад эса шарқона лутф-тавозега, сирлилик пардасига ўралган. Улар худқи сеҳргарнинг тилла сандикчасига ўхшайди. Очаверасиз, сандикча ичи-дан сандикча чиқаверади. Бордию, уларнинг хаммасини очишга куч ва иродангиз етса, энг сўнггиси ичида ўз кудратини, бурч-мохиятини англаётган инсоннинг қандайдир мавхум эмас, худди ўша Навоий замондошининг «моёи дард»и беркитилган бўлиб чиқади.

Букун ахли жахондин хастахотирмен, жахондин ҳам,
Демон ахли жахон бирла жахон, биллаҳки жондин ҳам,
— сатрларидаги «жон» (лирик кахрамон)нинг «жахон» (замон) ва «ахли жахон» (замондошлар) билан бундай низоси са-бабларини давр ходисаларисиз тушунтириб бўлмас. Достонлари-чи?!

Бир томонда шох — жамият пиллапоясининг энг олий мақомида турибди. Иккинчи томонда эса гадо — энг хор, энг хақир. Лекин шоир наздида, гадо шохқан афзал. Аслида чинакам шох — гадо, факат угина хамиша ўз ихтиёрида, хамиша эркин, ҳеч ким, ҳеч нарсага муте эмас. Шох эса, мансаб-мартаба кули, тама гадоси. Бу хозирча, умумий қараш. Муқояса тафсилга кўчади, баҳо, муносабат пайдо бўлади; халқнинг молини эмас, йўқ, хатто бир синик игнасини бағрингни ёрувчи олмос бил. Халққа бир кичик ришта (ип) етказсанг, катлингга бир илон хисобла. Лекин сен нималар қилмоқдасан?!...

Шоир масалани мана шундай қўйган эди.

Фарходнинг тарбиясига оид бобларни эслайсизми?

Шахзода балогатга етди. Замонасининг бор илм-фанини эгаллади, хунарини ўрганди, лекин ой-кун сайин гам-андухи ортиб борди. Тилаб-тилаб зўрга етган яққаю ягона фарзандининг бу ахволидан хокон ташвишда. Ўйлаб-ўйлаб тахтни инъом этсам, зора салтанат ташвишлари билан хаёли ёзилса, гами тарқаса, деган фикрга келади. Ота ва фарзанд, шох ва шахзода ўртасидаги бу суҳбат-бахсда қанчалар ибрат-маъно бор. Ота гоёят назокат билан фарзандсизликнинг узок, аламли йилларини тилга олади, зимистон хаётини Хак таоло у билан ёритганига, тилагига етқурганига шукрона айтади. Шундай ўғил билан ифтихор этажагини билдиргандан сўнг мақсадга ўтади. Узок далолат, тимсоллар билан кексайиб қолганлигини, кўнглида биргина армон келаётганини, кўзи очиклигида ўғлини ўз ўрнида - тахтда қўриш эканлигини маълум қилади:

Манга шахликда куллуқ ҳам кил эмди,
Атолик ҳам ўгуллуқ ҳам кил эмди.

Бунда хасрат ҳам йўқ, буйруқ ҳам. Факат орзу бор. Комил фарзандни ўз
акли-иктидорига муносиб холда кўриш иштиёки бор.

Фарход ҳам ақл ва мантиқ, эхтирому эътиқод барқ урган жавоблари билан хоконнинг
кўнглига канчалик ифтихор туйғусини солса, шунчалик безовталиқ ҳам олиб киради. Ота
яна мурожаат килади...

Бу муомала-муносабат бутун умри ўгилларига қарши кураш билан кечган Хусайн Бойқаро
салтанатига, отаси тириклигидаёқ ўз номига хутба ўқитиб, пул зарб қилган
Бадиуззамонга киноя эмасми?! «Сабъаи сайёр»нинг хотимасини эсланг. Шоир туш
кўрганмиш. Уни шох Баҳром сўратибди. Бағрига босиб зарра кадрилини куёшга етказибди.
Шаханшоҳ тарихини пухта ўрганиб, сўна бошлаган овозасини қайта тиклагани, «киссани
харфи-харфига етиб» ёзгани учун миннатдорчилик билдирибди. Ва гап сўнгида «чархи
сарир» Султон Хусайннинг кўп томонлари ўзига ўхшаб кетишини айтибди ва такциридан
хавотирини маълум қилибди.

Баҳром ким эди?

Бадий адабиётдаги Баҳромнинг энг муҳим хусусияти маишатпарастлиги, айш-ишратга
ўчлигидир. У ҳақдаги дostonларнинг ҳаммаси марказий қахрамоннинг ҳалокати билан
яқунланади. Жумлақан, Навоийда улкан шикоргоҳ -«фалақвор марғзор»даги овда
жала-ёмгиру беадад ов, кўшин туёқлари остида эски ботқокнинг кўзи очилиб, Баҳром ва
унинг атрофидагилар чўкиб кетадилар. Уларни ер ютади.

Киёс учун Бобурнинг Хусайн Бойқаро ҳақидаги қайдларидан келтирамиз:

«Ҳеч кун йўқ эдиким, намоз пешиндин сўнг ичмагай... ўғлонлари ва жамъи сипоҳига ва
шаҳрига бу хол эди. Ифрот била айш ва фиск қилурлар эди... кичиклардек кўчқор
сахлаб, кабутар сахлаб, кабутар ўйнар эди, товук ҳам урушка солур эди...»

Султон Хусайн Мирзодек улуг подшоҳ, Хиридек ислом шаҳрининг подшоҳи бу
ажабтурким, бу ўн тўрт ўглидин учи валадуззино (қонунсиз) эмас эди. Фиск ва фужур
ўзида, ўғлонларида ва эл-улусида асру шойиъ эди. Ушбуларнинг шоматидини эдиким,
мундоқ хонвода (сулола)дин етти-саккиз йилда бир Муҳаммад Замон Мирзодин ўзга осор
ва аломат қолмади».

«Харроф ва хушхулқ» (Бобур), танти, чапдаст қиличбоз, «табъи назми» етарлик
соҳибдевон шоир, форсий тил ҳамма соҳада устувор турган бир шароитда фармон билан
туркий тилга юксак мақом берган Хусайн Бойқародай бир подшоҳ учун бу нуқслар қатта
айб эди, албатта. Лекин буларни унга энг яқин, энг ишончли бир киши - «амирул
муқарриб» Навоий томонидан гоҳ ишора ила, гоҳ ошқор айтилиши элпарварлик,
юртпарварликка канчалик ўрнатқ бўлса, қасоратга ҳам шунчалик тимсол эди.

Алишер Навоий ижоди муайян давр, авлод доирасида қолмаган, барча замонлар,
авлодлар, халқлар интилиш-орзуларига ҳамоҳанг бўла олган ходисадир. Унинг
инсониятни яхлит бир қилсила тарзида талқин қилувчи, унинг ҳар бир халқаси собиту
мустаҳкам бўлишини қин қилдан орзулаб, ўзаро бирдамликка, ҳамқорликка қорловчи:

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиқ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиқ иш, —

деган сатрларидаги маъно эскириши мумкинми?!

Шоирнинг:

«Сўзчи холин бокма, бок сўз холини,
Кўрма, ким дер они, кўргилким на дер, —
деган сатрлари, назаримда, бугун учун ёзилгандек.

Яна бир гап.

Шеър хамиша куй, мусика билан ёндош келган. Истеъдод билан ёзилган хар кандай шеър ўқувчига, албатта, таъсир килади. Лекин у мусика билан кўшилса-чи? Ларзага солади. Таъсири ўн чандон ортади. Мумтоз шоирларимизнинг кўпчилиги мусика билан шугулланганларки, бу бежиз эмас. Улуг Навоий хам, табиийки, бундан мустасно колмаган. «Яна мусикида яхши нималар боғлабтур. Яхши накшлари ва пешравлари бордур», — ўкиймиз «Бобурнома»да. Шу жихатдан улуг шоиримизнинг тахаллуси чиндан хам сермаъно.

Афсуски, шеър билан мусика хамкорлигидаги бу яхши анъана, яъни хар бир шоирнинг мусика назарияси ёхуд амалиёти билан шугулланиш ходисаси бугунги кунда йўқолиш даражасига етди. Шу ҳақда гап кетганда, хонанда дўстларимиздан бири гапириб колди.

— Сиз уни айтасиз, неча минг йиллик мусика маданиятимиз йўқолиб боряпти-ку! Дарҳақиқат, ўзини маданиятли хисоблайдиган бугунги зиёлиларимизнинг неча фоизи «Дугох»ни «Сегох»дан, «Бузрук»ни «Рост»дан фарқларкин?! Юкорида тилга олинган «накш» билан «пешрав»ни кўя турайлик. Умуман, уни хис киладиган, завк оладиган кишилар адади-чи?

Тўғри, ўтган 70 йилнинг энг катта хатоларидан бири «эски турмуш»га қарши кураш байроги остида ўтмиш маданиятимизнинг канчадан-канча дурдоналари барбод килингани бўлди.

Хаёлимдан республикамиз радиоси қошидаги академик Юнус Ражабийнинг гайрат ва ташаббуси, фидойилиги билан майдонга келган ва бугун унинг муборак номини олиб келаётган макомчилар ансамбли ўтди. Биз уларнинг кадрига етяпмизми? Асрий маданият билан бугунги кунни улаб бераётган, халкимизнинг унут бўлаёзган куй-кўшиқларини, охангларини биттама-битта териб ўрнига кўяётган бу санъат фидойиларининг килаётган ишлари кўпчиликка етказиляптими?

1991 йил

Бегали Косимов